Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 28 МАРТ, ШАНБА

№ 36 (5632)
Баҳоси: обуначига 24 тийин, сотувда 60 тийин.

ИЖОДКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН КЎРИГИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг улкан биноси дарбозаси олдидаги хиёбон-майдон ўтган пайшанба куни эрталабданоқ ҳар қачонгидек гавжум бўлди. Бу ерга республика халқ таълими тизимининг билим масканлари, муассасалари, ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий бирлашмалар раҳбарлари ва мутахассислари яхши ният ва катта умидлар билан ташриф буюришди. Бунинг сабаби аниқ: бу ерда ташкил этилган ўқув-кўргазмали қўлланмалар кўрик-танлови халқ таълими соҳасидаги ижодкорликнинг ёрқин намуналарини намойиш этади. Кўрикнинг ноҳия, вилоят босқичларида сараланиб, кўргазмага қўйилган ярим мингдан ортиқ ишланмалар орасида саноатда ишлаб чиқариши асосида кўпайтириб, оммалаштиришга лойиқлари ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳам кўргазманинг 18 бўлимига қўйилган ишланмаларни кўришга ўқитувчи ва тарбиячиларгина эмас, завод ва фабрикаларнинг мутахассислари, инженер-конструкторлар ҳам сабрсизлик билан ошиқишарди. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг янгиланиш йўлидан бораётган таълим-тарбия масканлари учун янги-янги кўргазмали қўлланмалари сув ва ҳаводек зарурлигини бугун ҳамма-ҳамма қалбдан ҳис қилиши аён. Шунинг учун ҳам даврадаги суҳбатларда шу мавзу, ижодкорихтирочилар сўзларида ҳам шундай умид ва орзу...

Жумҳурият кўрик-танлов кўргазмаси тантанали йиғилишини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Нотиқ Ўзбекистонда халқ таълимини қайта қуриш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлигини, бу ишда ўқитувчилар ижодкорлиги таълим-тарбия сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга моликлигини қайд этди. Кейинги йилларда таълим-тарбия масканларининг ижодкор зиёбонлари янгиликлар яратишга астойдил интилмоқдалар. Улар жойларда минг-минглаб ўқув-кўргазмали ишланмалар яратмоқдаларки, бу янгиликларнинг энг яхшиларини саралаб, оммалаштириш халқ таълими тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Турли босқичдаги ўқув кўргазмали қўлланмалар кўрик-танловини ва, ниҳоят, республика кўргазмасини ташкил этишдан мақсад ҳам шудир. Ўйлаймизки, ишлаб чиқариш корхоналари ҳам бу ўқув-кўргазма қўлланмаларини кўплаб тайёрлаб беришга манфаатдорлик билан ёндашадилар.

Кўргазма тантанали равишда очилди. Кенг ва ёруғ залдаги ҳар бир бўлим экспонатлари томошабинлар диққатини ўзига тортади. Кўриб қувонибгина қолмайди киши, ўйга толади, ишланма муаллифлари билан баҳслашади, кутилмаганда янги ғоялар ҳам туғилади... Саноат йўли билан кўплаб ишлаб чиқариш хоҳишини биринчилардан бўлиб «Ташсельмаш» заводи бош инженерининг ўринбосари В. У. Ғафуров изҳор қилиб, кўргазманинг махсус дафтарига қуйидагиларни қайд этди: «Қорақалпоғистон экспонатидаги «Қўлда тўқув-дастгоҳи»ни маъқул кўрдик ва шартнома тузишга тайёрмиз».

— Бу оддий гилам ва шолча тўқишга мўлжалланган ўқув дастгоҳи намунасининг муаллифи Нукус шаҳридаги ёш техниклар станцияси меҳнат таълими ўқитувчиси А. Ереженовдир, — дейди Хўжайли шаҳридаги Курчатов номли мактаб муаллими У. Ешчонов. — Бу дастгоҳ мактабларда ёшларга халқ миллий тўқиш усулларини ўргатишда жуда ҳам қўл келади.

Кўргазма бўлимларидаги кўпдан кўп ишланмалар мутахассислар диққатини ўзига тортди. Куннинг биринчи ярмидаёқ «Компрессор», «Ўзбектекстильмаш», «Радио электрон аппарат» сингари 20 дан ортиқ йирик корхоналарнинг мутахассислари ижодкор ўқитувчилар яратган 50 дан зиёд ишланмани кўплаб ишлаб чиқариш юзасидан шартнома тузишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Булар орасида Урганчдаги 42-мактабнинг «Ақлли телефон», Тошкентдаги 15-мактабнинг «Қўл меҳнатига асосланган босма», Фарғона вилояти ижодкорлари ишлари бўлимидаги «Ўлчов асбоблари» сингари ишланмалар бор.

— Кўрик-танлов кўргазмаси ихтироларга бой. Бу Ўзбекистон муаллимлари ижодкорликнинг дадил йўлидан бораётганлигини ҳам ифодалайди, — дейди «Реклама» кичик корхонаси бош инженери В. Г. Дьяченко.

Ўқув-кўргазмали қўлланмалар кўрик-танлови жумҳурият кўргазмасини Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Р. Р. Ражабов ҳам келиб кўрди. Раҳим Ражабович ўқитувчи-ихтирочилар, халқ таълими тизими бошқармаларининг раҳбарлари, корхоналар етакчи мутахассислари билан ўтказилган учрашувда кўргазмада таълим ишида аҳамиятга молик жуда кўп ишланмалар борлиги, уларни саралаб, саноат асосида кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мустақил Ўзбекистон халқ таълимини ривожлантиришга ҳисса бўлажагини қайд этди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ташкил этилган жумҳурият ўқув-кўргазмали қўлланмалар кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг барча ўринбосарлари, халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, илмий-тадқиқот институтлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўқитувчи ижодкорлигининг ёрқин кўриги бўлган кўргазмани пойтахт мактаблари муаллимлари, педагог-олимлар, педагогика ўқув юртлари талабалари ва ўқувчилар ҳам келиб кўрмоқдалар. Кўргазма 30 мартга қадар давом этади.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 59-мактабда ёшларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактабнинг ишчан ва тажрибали ўқитувчилари ёшларни эл-юртга муҳаббат, ота-оналарни ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатни ва меҳнат аҳлларини қадрлаш руҳида тарбиялаб келаётирлар.

Куни кеча мактабнинг мажлислар залида район мактабларининг раҳбарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчилари, ота-оналар, маҳалла қўмиталари раислари иштирокида «Ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида тарбиялаш муаммолари» деган мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда мактаб, оила ҳамда жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясидаги масъулияти ҳақида сўз юритилди.

Сўзга чиққан ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ички ишлар органлари ходимлари ўсмирлар ўртасида жиноятнинг олдини олиш, бола тарбиясида маҳаллаларда амалга оширилаётган илғор иш тажрибаларини ўрганиш ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

59-мактабда 35 йилдан буён хитой тили ўргатиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида мактаб педагоглари томонидан хитой маданияти, санъати ва турмушига оид кўплаб экспонатлар тўпланган. Мана шу экспонатлар асосида ўқитувчи ва ўқувчилар кучи билан музей ташкил этилди. Музей очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, район ҳокими А. Ж. Миржалилов иштирок этдилар.

Суратларда: музей очилиши маросимидан лавҳалар.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

ФАРҚ НОМИДАГИНА ЭМАС

Жумҳуриятимизда йилдан йилга фанларни чуқур ўргатадиган мактаб-лицей ва гимназияларнинг кўпайиши халқ таълимини қайта қуриш ва уни янгилашдаги бирдан-бир тўғри йўлдир.

Мен икки йилдан бери Огаҳий номли лицейга раҳбарлик қиляпман. Ўзим кўп йиллар орзу қилган бу мактабда 260 ўқувчи бугунги кунда ўзбек тили, адабиёт ва тарих фанларини чуқур ўрганмоқдалар.

Хоразм давлат олий илмгоҳи билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. 2 нафар фан доктори ва 6 нафар фан номзоди ўқувчиларни ўқитиб тарбиялашда яқиндан ёрдам бермоқда, улар лицейни оталиққа ҳам олган.

Фаолиятимизнинг биринчи йилидаёқ ўзбек тили, адабиёти ва тарих фанларидан ўтказилган олимпиадаларида 10 нафар ўқувчимиз вилоят, 5 нафар ўқувчимиз эса республика олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

Шу ўринда олимпиадалар билан боғлиқ бир муаммони айтиб ўтишга тўғри келади. Икки йилдан бери жумҳурият Халқ таълими вазирлиги махсус фанларни чуқур ўргатувчи мактаб-лицейларнинг олимпиадаларини барча ўрта мактаблар билан бирга қўшиб ўтказмоқдалар. Бу йил шаҳар ва ноҳияларда бўлиб ўтган фан олимпиадалари бундай икки хил мактабларнинг ўқувчилари бир-бири билан сира беллаша олмаслигини яққол исбот этди.

Таклифим: ҳар бир вилоятда махсус фанларни чуқур ўргатувчи мактаб-лицейларнинг беллашувлари алоҳида ўтказилиб, ғолиб ўқувчилар жумҳурият олимпиадаларида қатнашиш имкониятига эга бўлсин. Ана шунда ўрта мактаб ўқувчилари ҳам вилоят, жумҳурият олимпиадаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўларди.

Маълум бир фанга ихтисослашган мактаблар, гуруҳлар таълими билан боғлиқ яна бир муаммони таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўтган ўқув йилидан бошлаб 11-синфлардаги медалга даъвогар ўқувчиларнинг барчасини бир жойга тўплаб, адабиёт ва алжабр фанларидан ёзма имтиҳонлар ўтказилди. Бу, балки, тўғри бўлгандир. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Ўзбек тилини чуқур ўрганаётган мактабларда алжабр, физика предметларининг ўқув соатлари чуқур ўргатилаётган фанлар ҳисобига камайтирилган, дастурлари эса қисқартирилган. Шундай экан, бу ўқувчилар қандай қилиб бошқа мактаблар қаторида алжабр фанидан бир хил масала ва мисолларни еча олади. Аксинча, математика мактабларида ўқиётган битирувчи синф ўқувчилари бизлар билан биргаликда адабиётдан иншо ёза оладиларми? Шунинг учун бундай мактаблардан давлат имтиҳонлари олаётганда ўзига хос вариантлар танлаш мақсадга мувофиқдир.

Х. АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Огаҳий номли мактаб-лицей директори.

ИҚТИДОРЛИЛАР СЛЁТИ

25 март куни пойтахтдаги Республика ўқувчилари саройида илк бор Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг I слёти ўз ишини бошлади. Бу анжуманнинг очилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, ЎзФА вице-президенти Турсун Рашидов, Улуғбек жамғармаси бошлиғи Исфандиёр Латипов, актёр Ёқуб Аҳмедов ва бошқалар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар мазкур тадбирнинг мақсади, аҳамияти ва иқтидорли болаларга кўрсатилиши мўлжалланаётган ғамхўрликлар ҳақида гапиришди. Рўзномамизнинг яқин сонларида слётнинг галдаги ишлари ҳақида батафсил маълумотларни ўқишингиз мумкин.

Мухбиримиз.

«МАЪРИФАТ» МУШТАРИЙЛАРИГА МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

РЎЗНОМА ЭНДИ ҲАФТАДА 2 МАРТА ЧИҚАДИ

«Маърифат»нинг ихлосмандлари бўлган сиз азиз муштарийлар — ўқитувчилар, тарбиячилар, талабалар ота-оналар, педагог-олимлар, халқ таълими жабҳасининг ходимларига бу нохуш хабарни маълум қилишга мажбурмиз. Чунки сизлар билан доимий ошкоралик, очиқ мулоқот бизни шундай дардлашиб туришга ундайди.

Сизларга ҳам яхши маълумки, бозор иқтисоди шароити, нарх-навонинг тўхтовсиз ошиб бориши рўзнома чиқаришни ҳам тобора қийин аҳволга солаётир. Қоғоз тақчил ва айни пайтда ўта қимматлашиб бормоқда. Нашр, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлар сарф-харажатлари илгаригига нисбатан бир неча баробар ортиб кетди, Натижада бошқа вақтли матбуотлар сингари «Маърифат» ҳам ўз харажатларини ўзи қоплай олмайдиган даражага келиб қолди. Қоғоз тақчиллиги ва нашр учун маблағ етишмаслиги сабабли «Маърифат» таҳририяти ҳозирча рўзномани ҳафтада 2 марта — чоршанба ва шанба кунлари чиқаришга мажбур бўлади. Агар аҳвол шу тариқа давом этиб, республика ҳукумати, Халқ таълими вазирлиги чора-тадбирлар кўриб, етарли маблағ ажратмаса, «Маърифат»нинг мунтазам чиқиб туриши янада оғирлашади.

Азиз муштарийлар! Сизларнинг таълим-тарбия ишида яқин кўмакдошингиз ва маслаҳатчингиз «Маърифат»нинг чоп этилиб туришини ва у орқали дардингизни, ишингиз ва турмушингиздаги муаммоларни оммага етказишни истасангиз, рўзномани қўллаб-қувватлайсиз ҳамда молиявий ёрдамингизни аямайсиз деб ўйлаймиз. Чунки ҳозирги бозор иқтисоди шароитида етарли маблағсиз газета чиқариш учун тақчил қоғозни топиш ҳам амри маҳол, нашр ва хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаб ҳам бўлмайди. Бунинг учун сизларнинг саховатингиз, ҳимматингиз ва сизлар ишлаётган ташкилотлар, муассасалар, оталиқ корхоналари кўмаги зарур.

Бугунги кунда биз ҳаммамиз бир мақсад йўлида — мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқлоли учун меҳнат қиляпмиз. Истиқлол кадрларини эса мактаб тайёрлайди. Шу сабабли «Мактаб — келажагимиз!» деб қарарканмиз, таълим-тарбия ишининг тарғиботчиси ва ташвиқотчиси, барча халқ таълими ходимларининг маслаҳатчиси ва кўмакдоши, сирдоши ва дардкаши «Маърифат» рўзномаси тақдирига ҳам бефарқ қарай олмаймиз.

Ишонамиз, сизлар саховатингиз, ҳимматингиз, мурувватингиз билан, албатта, ёрдам берасизлар.

БИЗНИНГ БАНКДАГИ ҲИСОБ РАҚАМИМИЗ — 100609809, коди — 172682315, ПСБ — МЕҲНАТ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. «МАЪРИФАТ» РЎЗНОМАСИ УЧУН, ДЕБ ЁЗИШЛАРИНГИЗНИ СУРАЙМИЗ.

Долзарб мавзу

КЕЛАЖАККА УМИД БИЛАН ҚАРАЙЛИК

Тараққиётсиз ҳаётни тасаввур этиш мушкул. Биз ёшларни бошқа таълим муассасаларидагидек таълим-тарбия бериш, шу билан бирга касб-ҳунар эгаллаш учун дастлабки йўналишлар орқали ҳаётга тайёрлаймиз. Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар шуни кўрсатяптики, бундан буён мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг аҳамияти янада ортиб боради. Чунки давримиз — техника асри. Лекин афсуслар бўлсинки, техник ижодиёти билан шуғулланаётган муассасаларнинг деярли барчаси оғир шароитларда иш олиб боряптилар.

Мактабдан ташқари муассасаларнинг 99,3 фоизи мослаштирилган биноларда ёки бошқа ташкилотлар биноларида «сиғинди» бўлиб жойлашган. Тўгараклар учун хоналарда қулайлик йўқ. Замонавий дастгоҳ, асбоб-ускуналар ва материаллар бизлар учун фақат назарий жиҳатдангина мавжуд. Техниканинг ўсиши натижасида унга маҳаллий кадрлар етказиб бериш масаласини ҳар томонлама ечиш зарур. Бу ерда мутахассислар масаласига кенгроқ тўхталмай иложимиз йўқ. Муассасаларимизда хизмат қилаётган педагог ходимларнинг асосий қисми собиқ тўгарак аъзоларидир. Улар турли ўқув юртларини тамомлаб, ўзлари учун қадрдон даргоҳда хизмат қиляптилар. Шу сабабли вилоят ва ноҳияларда техник йўналиш бўйича ихтисослаштирилган синфлар, гуруҳлар очилмоқда. Улар билан ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқилган дастурлар асосида иш олиб борилади. Шундай синфлардан бири Тошкент давлат техника дорилфунунининг самолётсозлик куллиёти билан биргаликда фазогирлик сирларини ўрганаётган қобилиятли болалар учун ташкил қилинган. Уч йилдирки, бу синфлар фаоллик кўрсатмоқда. Синфлар Тошкент шаҳридаги 37-мактаб қошида ташкил этилган бўлиб, бу ишга олий илмгоҳ ва мактаб ўқитувчилари жалб этилган. Яна далил сифатида шуни айтиш мумкинки, янги ўқув йилидан самолёт куллиёти кафедраси билан ҳамкорликда автоматика ва лойиҳалаш йўналиши бўйича синфлар очиш ҳаракатидамиз.

Мактабдан ташқари муассасалар фаолиятида ўз меҳнати билан қўшимча даромад олиш, корхоналар, ташкилотлар, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этишда янги имкониятлар қидириб топишга рухсат этилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, тушган даромадлар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ва доимий ночор ҳолда бўлган моддий базани сал бўлса-да яхшилаш, педагог ходимларнинг ойлик маошларини ошириш, тўгараклардаги болалар билан ўтказиладиган тадбирларга сарф қилинмоқда. Биз учун яратилган бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишимиз жоиз. Токи, бир жойда қотиб қолмайлик. Зеро, бу ишлар амалга ошмас экан, эртанги кунга умид билан қарай олмаймиз. Шунинг учун биз мактабдан ташқари муассасалар ходимлари — жумҳуриятимизнинг жамоатчилигига, масъул ташкилотларга, йирик жамоаларга ва барча соф дил инсонларга мурожаат қиламиз:

Ёш авлоднинг бугунги тақдирига бефарқ бўлмайлик. Мустақил давлатимиз талабларига жавоб бера оладиган ўткир зеҳнли, ҳур фикрли ва ҳар томонлама баркамол мутахассислар етиштириш асосий вазифамиз бўлсин. Замонавий илм-фан ва техника ютуқларини эгаллаган ёшлар эртанги кунимиз эгалари эканлиги диққат марказимизда турсин!..

Т. ҚОРАБОЕВ,
Жумҳурият ўқувчилар техник ижодиёти маркази директори.

ИНСТИТУТДА ДУВ-ДУВ ГАП...

ЖУМҲУРИЯТ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ Жўра АБДУЛЛАЕВга ОЧИҚ ХАТ

Мустақилликнинг илк баҳори олий таълимнинг етмиш йилдан зиёд вақт давомида яшаб келаётган тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президентининг Фармонига кўра вилоятларда янги дорилфунунларнинг ташкил этилиши бу йўлда ташланган дадил ва хайрли қадамлардан биридир. Хусусан, биз меҳнат қилаётган Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат муаллимлар олий илмгоҳининг дорилфунун мақомини олиши келажакда жанубий воҳадаги илм-фан, таълим ва маданият тараққиётига беқиёс улуш қўшишидан далолат. Бунинг учун Қашқадарё аҳолиси, зиёлилари, илм-фан, таълим аҳли ва талабалари номидан Президентимизга чуқур миннатдорчилик ва эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Қўлга қалам олиб, айнан Сизга шу қутлуғ дамларда бир оз ташвиш билан мурожаат қилишимизга бизни нима ундади?

Дорилфунун! Бу айтишгагина осон, аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса, унинг номигина эмас, балки масъулияти ва мақоми ҳам биздан талай фазилатларни талаб этиши турган гап. Хўш, биз айни кунда шундай муқаддас даргоҳда ишлашга, дорилфунун мезони ила таълим беришга қодирмизми?! Биз нега бугун айнан шу масала хусусида фикр юритаяпмиз? Чунки собиқ институтимизнинг 6 мартда бўлиб ўтган сўнги илмий кенгашида жамики илм аҳлидан, профессор-ўқитувчилардан фақат 60 фоизигина дорилфунунда фаолият кўрсата олиши расман тан олинди. Хўш, қолган қирқ фоизи-чи?! Уларнинг дорилфунун талабларига жавоб бера олмасликларига сабаб нима?

Бизни ўйлантирган, ташвишга солаётган муаммо биргина бу эмас. Муҳтарам газетхонларнинг ёдидадир, бундан икки йил аввал Қарши муаллимлар олий илмгоҳида авж олган порахўрлик, савод даражасининг пастлиги, кадрлар тайёрлаш бобидаги нуқсонлар ҳақида собиқ Иттифоқдаги «Учительская газета» ҳамда ўз матбуотимиз — «Ўқитувчилар газетаси», «Правда Востока» рўзномаларида қатор танқидий мақолалар эълон қилинган эди. Ўша чиқишларнинг барчасида, айниқса, қабул ишларида тубанлашув — абитуриентларни «шахсий» рўйхат асосида танлаш одатдаги ҳолга айланиб қолганлиги рўйрост айтилганди. Танқиддаги бу гап-сўзлар тўғри бўлса-да, таассуфки, ўша пайтда ҳақиқат тўла қарор топмади. Эндиликда ҳам ўқишга кирувчилар ректорнинг «шахсий рўйхати»га тиркалмаса, имтиҳонлардан қулайди.

Ректоримиз Нортош Ўлжабоева олий илмгоҳ тизгинини қўлида ҳануз мустаҳкам тутиб турибди. Шу рўйхатга номинг кирмаса, билимнинг аҳамияти бир чақа. Агар кириш имтиҳонлари одил, ҳаққоний ўтказилиб, адолат мезони қўлланилганда эди, бунақанги «илоҳий рўйхат»га ўрин ҳам қолмасди. Ректор айнан худди шу — рўйхат тузиш усули билан бутун жамоани ўзига мутеъ қилиб олган. Ана шу «олтин рўйхат»дан битта ўрин олиш учун эса йил бўйи унга хушомад қилиш, унинг измидан чиқмаслик, гоҳ тўғри, гоҳ нотўғри барча кўрсатмаларини кўр-кўрона бажариш лозим. Институтда проректор, декан, кафедра мудири деган тушунчалар аллақачонлар йўқ бўлиб кетди. Шунингдек, қабул ҳайъати, фан ҳайъати, унинг раиси деган тушунчалар ҳам унутиб юборилган.

Фикримизни тўғри тушунишингизни истардик. Ректоримиз «парвоз»ни жуда баланд оладилар. У киши учун шаҳар ва вилоят ҳокимияти назар-писанд эмас. Атрофларига тўрт-бешта «хизмат кўрсатган» собиқ фирқа фахрийларини йиғиб олиб, бир гап бўлди дегунча, уларни турли нуфузли идоралар томон учиради. «Ҳа, фалончи профессорлар, — қора кучлар кўтарилибди, «мунис аёл»ни олиб ташлашмоқчи» қабилида арзи-додлар турли маҳкамаларни босиб кетади.

Ҳақ гап, тўғри ва адолатли танқид шу тариқа йиллар давомида бўғиб келинмоқда. Ректорга тик боққанлар, жасоратли илм кишилари қувғин ва таъқиб остига олинмоқда. Бугун Президентимиз кириш имтиҳонларини такомиллаштириш мақсадида дадил тажрибаларга йўл очиб бераётир. Бундай услубни қўллаб кўришни ўз вақтида бизнинг олий илмгоҳ мударрислари ҳам таклиф қилишган эди.

Дорилфунунда эндиликда ярим мингга яқин профессор ва ўқитувчилар меҳнат қиляпти. Домлаларнинг атиги беш фоизи илм-фан, тадқиқот билан шуғулланади. Олий илмгоҳда академиянинг бironта мухбир аъзоси ёки ҳақиқий аъзоси, давлат мукофоти соҳиблари йўқ. Нега шундай? Бу — Қашқадарёда истеъдодли олимлар етишиб чиқмабди-да, деган мулоҳазаларга сабаб бўлмаслиги керак. Институтда ҳозиргача давом этиб келаётган бундай носоғлом шароитда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Ректоримиз ректор бўлибдики, талабаларга дарс беришни ҳам деярли унутаёзди. Балога қолганлар эса тарих куллиётининг унга содиқ фуқаролари — ёш ўқитувчилар бўлди.

Бизни ўйлантираётган ва қийнаётган муаммо — эртага шу ректор бошчилигида дорилфунун остонасини ҳатлаб, бизга умид билан жовдираб боққан қора кўзларга тик қарай оламизми? Очиқ айтайлик, уларга тик қарашга ҳозирча ҳаққимиз йўқ! Чунки уларнинг аксарияти бу муқаддас даргоҳга билими, иқтидори туфайли эмас, балки ректорнинг ўша «темир» рўйхати асосида қабул қилинганини биз яхши биламиз. Рўйхат, табиийки, кимнингдир аралашувисиз, яъни «илтимоси»сиз бўлмайди. Бу илтимослар эса ҳамавақт ҳам беғараз, беминнат ва бетаъма амалга ошмаслиги ҳаётий ҳақиқатдир.

Институтда оилавий раҳбарлик қилиш ҳам шу даврга келиб авжига чиқди. Нортош Қурбоновнанинг турмуш ўртоғи, зоология кафедрасининг катта ўқитувчиси Ором Эргашев ҳам истаса профессорларни ишдан бўшатиш билан дўқ уради, имтиҳон олувчи «қўғирчоқ»-ўқитувчилар унинг хоҳиши билан танланади. Энг ёмони, опамиз ходимларни бир-бирига гижгижлашда ҳам устаси фаранг. Бу ишлар билан олий илмгоҳ ректори шуғулланаётгани ҳам кулгили, ҳам ачинарли. Ўтган йилнинг октябрь ойида республика радиоси «Қармоқ» эшиттиришида Нортош Ўлжабоеванинг бу каби «хурмача» қилиқлари қаттиқ танқид қилинди. Лекин бу танқид ҳам унга кор қилмади...

Ҳа, бизни яна бир бор тўғри тушунишингизни истардик. Пичоқ суякка бориб тақалганлиги боис Сизга мурожаат қилишга мажбур бўлаётирмиз. Бир сўз билан айтганда, институтда ҳануз якка ҳокимчилик давом этяпти.

Хуллас, олимларимиз орасида республика фанига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган, ёшларнинг орзу-умидларини оқлашга ҳаракат қилаётган фан фидойилари талайгина. Шунинг учун ҳам биз дорилфунун остонасига гуноҳлардан покланиб, илмнинг қадрига етадиган, адолатли ва ҳалол раҳбар бошчилигида ёруғ юз билан қадам қўйишни истаймиз.

Малла ОЧИЛОВ,
шу олий билимгоҳ бошланғич таълим методикаси куллиёти декани, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Поён РАВШАНОВ,
ўзбек филологияси куллиёти декани, профессор вазифасини бажарувчи.
Баҳодир АМИНОВ,
ёш физиологияси кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор.
Самадулло МУСТАФОЕВ,
ботаника кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори, профессор.
Тўра НАФАСОВ,
ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, профессор.
Анвар ЧОРИЕВ,
фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.
Даврон ШОДИЕВ,
физика услубиёти кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Чори ТИЛЛАЕВ,
сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, доцент.
Обод ЖУРАҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Турсун БОЗОРОВ,
ўзбек тили ва адабиёти услубиёти кафедраси мудири, доцент.
Абдишукур ЧОРИЕВ,
педагогика кафедрасининг мудири, доцент.
Жалил ШУКУРОВ,
иқтисодиёт кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди.
Асқар БИЛОЛ ўғли,
техника фанлари доктори, профессор, иссиқлик физикаси кафедрасининг мудири.
Бойназар ИУЛДОШЕВ,
ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент.
Суюн АБДУЛЛАЕВ,
жуғрофия ва экология кафедрасининг мудири, доцент ва бошқалар.

Жами 100 имзо.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳозирги вақтинчалик оғир иқтисодий шароитда Президент томонидан жумҳуриятимизда олий таълим равнақини кўзлаб амалга оширилаётган тадбирларни мамнуният билан таъкидлаш жоиздир. Энг аввало, вилоятлардаги қатор педагогика олий илмгоҳларининг дорилфунунларга айлантирилиши, талабаларга берилаётган қатор имтиёзлар ва қабул бобидаги туб ўзгаришлар тарих кўрмаган жасорат ва ғамхўрликдан нишонадир.

Узоқ йиллар мобайнида олий ўқув юртларимизда қабул қондаларининг бир қолипга кириб қолганлиги кўп нохушликларга, жумладан, порахўрлик ва таниш-билишчилик сингари иллатларнинг авж олишига сабаб бўлди. Бугунги кунда қабул тартибини ислоҳ қилиш ҳақидаги Президент Фармони илмий-маърифий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бу азму-қарор халқимиз томонидан хушнуд кутиб олинганлигини таҳририятга оқиб келаётган мактублар ҳам кўрсатиб турибди.

Таассуфки, олий ўқув юртларида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ва уларнинг аянчли оқибатлари ҳали-вери тугайдиганга ўхшамайди. Собиқ Қарши муаллимлар олий билимгоҳи атрофида уч-тўрт йилдан буён давом этиб келаётган нохуш гап-сўзлар кишини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Бу мавзу собиқ Иттифоқ рўзномаси — «Учительская газета», шунингдек республика матбуоти — «Ўқитувчилар газетаси», «Учитель Узбекистана», «Правда Востока» саҳифаларида танқидий чиқишларга сабаб бўлган эди.

Олий ўқув юртларида вужудга келаётган салбий ҳолатларга бепарво, ёхуд бир томонлама қараш нақадар хавфли эканлигини шу йилнинг январь ойида Тошкентнинг талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар очиқ-ойдин кўрсатди. Ўйлаймизки, Қаршидаги собиқ муаллимлар олий илмгоҳидаги носоғлом ҳолатга ниҳоят оқилона баҳо берилади.

ЖАЖЖИЛАРГА РАМЗИЙ КАЛИТ ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Акмал Икромов ноҳиясида «Дилшод» номли 604-болалар боғчаси ишга туширилди. Барча қулайликларга эга бўлган янги масканга 500 нафардан ортиқ кичкинтойларни ўз бағрига олди.

Тасвирларда:

● Боғча мудираси Т. Акромова тарбиячиларга жисмоний тарбия машғулотларида асосий эътиборни ниманарга қаратиш лозимлигини тушунтирмоқда.

● Боғчанинг рамзий калити болажонлар қўлида.

● Қичик гуруҳлар тарбиячиси Р. Норматова дид билан жиҳозланган хоналарни болаларга таништириб чиқаётир.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

АНЪАНАВИЙ БАЙРАМ

Рўза ҳар 30 йилда бир марта Наврўз ойига тўғри келар экан. Демак, бу йилги Наврўзимизнинг руҳи ўзгачароқ. Биз айнан шу Наврўзни узоқ кутдик. У йўл боса-боса охири мустақиллик шаббодаси билан қалбимизга, юрагимизга кириб келди. Бу йўлларда қанча сувлар оқди. Қанча одамлар ўтди. Миллий қадриятлар қаердадир оёқ ости бўлди, қаердадир асраб-авайланди.

Ҳар доим миллийлигини йўқотмаган жойлардан бири Тошкентдаги 138-ўрта мактабдир.

Мактаб Чилонзор ноҳияси бўйича миллий марказ деб юритилиши бежиз эмас. Мана, салкам 15 йилдирки, гоҳида бекитиб, гоҳида очиқчасига бу ерда «Наврўз» кўриги ўтказилади. Бу байрамни «эскилик сарқити» деб неча бор ўтказилишига қарши чиқишган. Шунга қарамасдан ўтказилиб келинган бу байрам бу йил ҳар доимгидан чиройлироқ ўтди. Мактабнинг анъанавий байрамига айланғани учун ўқувчилар Наврўзга уч ой олдин тайёргарлик кўришди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Ўқувчилар миллий кийимларда келишди. Мактаб залини сўзана, чойшаблару ўқувчилар ўзлари ясаган қушлар, дарахтлар билан безадилар. Конкурс шартларига мактаб боғига кўчат экиш, Наврўзга бағишлаб деворий газета, альбом, шиорлар чиқазиш ҳам кирарди. Бу йил мактабларарo «Наврўз» кўрик-конкурси эълон қилинган эди. Ноҳиядан келган раҳбарлар ҳам 11-«Б» синф деворий газетасини жуда яхши деб топишди. Конкурсда иштирок этган 9-«Б» синф ўқувчиси Исроилова Зулхуморнинг она ҳақида айтган шеъри барчани тўлқинлантириб юборди. Ўзбек мумтоз куйларидан ўтказилган беллашувда эса 11-«Б» синф ўқувчиси Саноат Орипова «Отмагай тонг» ашуласи билан ғолиб чиқди. Қизларнинг кўк чучвара тугишлари ҳам Наврўз файзига файз қўшди. Миллий қадриятларимиз ўз ўрнини топаётган пайтда қизларнинг «Муножот» рақсига тушишлари инсонни ҳайратга солди. 10-«Б» синф ўқувчиси Зокирова Гулчеҳра рақс санъатининг сирларини ўрганаётгани учун ҳам рақс беллашувида ғолиб бўлди. 11-«А» синф ўқувчиларининг ёр-ёрлари, лапарлари, ўғил болаларнинг сабзи тўғрашлари билан қўшилиб кетди. Байрам ўйин-кулгу билан якунланди. Байрамни ўтказишга раҳбарлик қилган кимё фани ўқитувчиси, «Гулшан» қизлар гуруҳининг раиси, «Ўқитувчи-92» кўрик-танловида 3-ўринни олган Мавлуда Солиевага раҳмат айтамиз.

Тилагимиз — анъаналар бир умр давом этаверсин!

Наргиза ҚУШОҚБОЕВА.

МАКТАБГА ГАЗ КЕЛДИ

Андижон ноҳиясидаги Ойбек номли 3-ўрта мактаб синфхоналарини қиш ойларида иситиш мушкул бўлгани сабабли илм масканига буғ билан иситадиган жиҳозлар ўрнатилганди. Наврўз арафасида мактаб жамоасининг қувончига қувонч қўшилди. Билим даргоҳининг иситиш тармоқларига табиий газ уланди. Бундай ғамхўрликдан мактаб аҳли ва ота-оналар жуда хурсанд бўлмоқдалар.

Ж. ТУРДИЕВ.
Андижон вилояти.

●

ИХЛОСМАНДЛАР КЎПАЙМОҚДА

Учқўрғон шаҳридаги И. Охунбобоев номли 1-ўрта мактабда бир гуруҳ ўқитувчи ва тарбиячиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, таниқли мураббия Каримахон ая Абдуллаева эски ўзбек ёзувини ўрганувчилар гуруҳини ташкил этган эди. Машғулотлар режа ва дастур асосида ҳафтасига уч маҳал ишдан ташқари вақтларда олиб борилди. Ўта талабчанлик билан қизиқарли ўтган машғулотлар туфайли тингловчилар тез орада эски ўзбек алифбосида ўқиш ва ёзишни ўрганиб олдилар.

Айни пайтда хайрли ишнинг мухлислари кўпайиб, шаҳардаги барча илм масканларида эски ўзбек алифбосини ўрганиш гуруҳлари фаолият кўрсата бошлади.

А. АБДУҒАНИЕВ.
Наманган вилояти.

●

ЯНГИ МАКТАБ

Риштон ноҳиясига қарашли Капа қишлоғидаги 34-ўрта мактаб биноси эскиргани ҳамда ўқувчилар сонининг ўсиши ва синфхоналарининг етишмаганини ҳисобга олиб, илм маскани ўқитувчилари Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ҳамдам Умаров (марҳум) бошчилигида янги мактаб қуриш ташаббуси билан чиқишган эди.

Яқинда уларнинг орзуси ушалиб, 824 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди ва унга ал-Хоразмий номи берилди.

С. АЗИМОВ.
Фарғона вилояти.

* * *

Шунингдек, таҳририятимизга муаллифлардан Р. Ўрозов, А. Сайфиддинов, Н. Эшқувватов, С. Олломов, С. Қўлдошев, Б. Шокиров, Ж. Хушиев, А. Бобомуродов, С. Бойбўтаева, О. Комилов, Р. Рўзметов, Ҳ. Мамиталиев, Ф. Намозова, Ҳ. Расулов, П. Исматов, Қ. Алиев, Б. Султонзода, Л. Ҳожиева, Т. Туротов, Ф. Жўрабоева, С. Исматов, Ҳ. Чинниев, Ж. Имомқулов, Д. Абдураҳмонов, З. Маматхўжаева, М. Раҳматуллаев, В. Одашев, Жўрахон Тошпўлат ўғли ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Бу маърифат бадавий халқларга дуч келгунча ҳаёт қобилиятини сақлаб қолди, у бадавийлардан ўзини фаол ҳимоя қилмади, уларни ўз ичига ютиб юбориб, ўзига маъқул тарзда ўзгартира борди. Аммо Европа маърифатига дуч келгач, Шарқ бардош бера олмади, чунки Европа маърифати техникавий жиҳатдан ривожланган бўлиб, мутлақо бошқача дастурга амал қилар ва ўзига ўхшамаган ҳамма нарсани вайрон қилишга интилар эди.

Бунинг яхши ёки ёмонлигини айтиш қийин. Фақат бир нарса равшан: эски маърифат қалоқ бўлди ва Шарқ мамлакатлари янги, бу сафар умумжаҳон маърифатига қўшилдилар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Шарқ динлари билан Христиан дини ўртасидаги энг муҳим тафовут, сизнингча, нималардан иборат?

2. Ҳозир Шарқ умумжаҳон маърифатига кирди, деган гапга қўшиласизми?

3. «Анъанавий жамият» нима?

4. Қадимий Хитой шеъриятининг кўпчилик қисми бурч (мамлакат, халқ, подшо ва шу кабилар олдидаги бурч) мавзуига бағишланган. Бунинг сабаби нима?

5. Шарқда биз санаб ўтган динлардан қай бири давлат мафкураси бўлиб қола олди. Нега?

6. Шарқ билан Ғарбнинг ривожланишидаги тафовутни бошқа ҳамма сабаблардан ташқари турли жуғрофий шароитлар белгилаб берди, деб ҳисоблайсизми? Ўз жавобингизни асослашга ҳаракат қилиб кўринг.

7. Энг яхши давлат тузуми учун қайси йўлни тўғри деб ҳисоблайсиз: Шарқдаги «бурчни»ми ёки Европададаги «эркинлик»ними?

8. Ғарб маърифатига нисбатан Шарқнинг «кучли» ва «заиф» жиҳатлари нималардан иборат?

II БЎЛИМ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАМИЯТИ — ЯХЛИТ ВА ЎЗАРО БОҒЛАНГАН ДУНЁДИР

3-ТЕМА. ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ВА БИЗНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ

16. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Кўп қиёфали ва зиддиятли дунё. Ҳозирги замон башарияти Ер юзида яшовчи 5 миллиарддан кўпроқ одам, мингларча катта ва кичик халқлардир. Бу — юз элликдан ортиқ давлатлар, хилма-хил иқтисодий укладлар ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Бундай хилма-хилликнинг сабабларидан бири табиий шароитларнинг, одамлар яшайдиган муҳитнинг бир-биридан фарқ қилиши билан боғлиқдир. Бу шароитлар ижтимоий ҳаётнинг кўпгина томонларига, аввало, инсоннинг хўжалик фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, иқлим, тупроқ унумдорлиги, ўсимликларнинг турлари — ана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина омиллар ерни ишлашнинг муайян усулларини, уй ҳайвонларини кўпайтириш усулларини вужудга келтирган бўлиб, муайян иш қуроллари, буюмларни ишлаш усуллари яратилишини рағбатлантирди. Муайян жамият яшайдиган табиий шароит хусусиятларининг таъсири уй-жой, кийим-кечак, рўзғор ашёлари ва жанговар қуроллар билангина чекланмайди. Машҳур рус тарихчиси В. О. Ключевскийнинг лекцияларида келтирилган парчани эсланг. Яшашнинг табиий муҳити давлатнинг сиёсий тузумига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар ўртасидаги муносабатлар характерида, мулкнинг таркиб топган шаклларида ҳам унинг таъсири сезилиб туради.

Қадимги Греция ва Риммнинг маданият ривожланган минтақаларида дастлабки хусусий мулк қандай вужудга келганини эсланг. Бунга бошқа сабаблар қатори табиий шароитлар ҳам ёрдам берди. Хилма-хил ландшафт: тоғлар, водийлар, ўрмонлар, кўпдан-кўп сойлар катта жамоалар ҳаёт кечиришини қийинлаштирар эди. Қатқалоқ тупроқ деҳқоннинг зўр бериб меҳнат қилишини талаб этарди, қаҳратон қиш озиқ-овқат захираларини, келгуси йил ҳосили учун уруғликларни жамғариш ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур этарди.

Ижтимоий турмушнинг хилма-хиллиги табиий шароитлар билан бир қ торда жамият яшайдиган тарихий муҳит билан ҳам боғлиқки, бу нарса бошқа қабилалар, халқлар, давлатлар билан ўзаро алоқалар таъсирида таркиб топади. Г. В. Плеханов бу ҳақда бундай деб ёзган эди: «Деярли ҳар бир жамият ўз қўшниларининг таъсирига дучор бўлганлиги туфайли шуни айтиш мумкинки, ҳар бир жамият учун ўз навбатида муайян ижтимоий, тарихий муҳит бўлиб, бу муҳит унинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ҳар бир муайян жамиятга ўз қўшнилари кўрсатадиган таъсирларнинг жами айни вақтда бошқа жамият дучор бўладиган таъсирлар йиғиндисига ҳеч қачон тенг бўла олмайди. Шу сабабли ҳар қандай жамият ўзининг алоҳида тарихий муҳитида яшайдики, бу нарса кўпинча бошқа халқларни қуршаб олган тарихий муҳитга жуда ўхшаш бўлади, лекин ҳеч қачон у билан бир хил бўлиши мумкин эмас ва ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Бу эса ижтимоий ривожланиш жараёнига хилма-хилликнинг ниҳоятда кучли жиҳатини бахш этади».

Аммо фақат муайян жамиятга хос бўлган айрим муҳим белгилардан кўз юмадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, бир неча асрлар муқаддам бўлганидек бугун ҳам инсоният илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган маданиятларнинг иккита типидан иборатдир.

Ноғарбий цивилизация ёки анъанавий жамият. Қадимий Шарқ маданияти билан танишиб, сиз унинг энг муҳим белгилари ва хусусиятларини билиб олдингиз. Ер, суғориш иншоотлари жамоанинг мулки эди. Ҳар бир оила унга вақтинча берилган муайян ер участкасига эга эди. Асосан ташқи табиий жараёнлардан файдаланувчи экстенсив технология ҳукмрон эди. Инсон ўз фаолиятини табиат меъёрига мослаштирар, атроф-муҳитга энг кўп даражада мослашиб олар эди. Масалан, қадимий хитойларда «у-вай» ақидаси табиий жараёнларга аралашмасликни талаб қилар эди. Анъанавий деб ном олган жамиятнинг бу типи ҳозирги кунларгача сақланиб қолган. «Учинчи дунё»даги кўпгина давлатлар, нисбатан яқинда мустамлака зулмидан озод бўлган Африка ва Осиё мамлакатлари шу жумлага киради. Ҳозир ҳам бу жамиятларнинг маънавий қадриятлари орасида ижтимоий вазиятга мослашиш иштиёқи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди; уни муайян мақсад йўлида ўзгартиришга интилиш рағбатлантирилмайди. Инсоннинг зоҳирий фаоллиги, ўзини камол топтиришга қаратилган фаоллик қадрланади. Авлоддан авлодга ўтадиган анъаналар, урф-одатлар алоҳида аҳамияга эга. Умуман инсон турмушининг маънавий қадрияти иқтисодий қадриятдан юқори қўйилади. Қишлоқ хўжалик фаолиятида экстенсив технология устунлик қилади. Аммо анъанавий жамиятлар ривожланишининг илк даврида бу технологиялар иқтисодий тараққиётга ёрдам берган бўлса (қулай табиий шароит, яратилган иш қуролларининг соддалиги), кейинчалик уларнинг халақит берувчи таъсири намоён бўлди:

(Боши ўтган сонларда).

Синаб кўринг

«МАНГУ БЎЛСИН ТАБИАТ ТИРИК»

Кейинги йилларда экология изоҳи тилимизнинг луғат таркибида энг фаол сўзлардан бири бўлиб қолди. Маърузаларда, нутқларда, қарорларда, матбуотда бу изоҳ кўплаб ишлатилмоқда. Чунки ҳозирги экологик вазият бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Буюк тиббиёт олими Абу Али ибн Сино: «Агар табиатда чангғубор бўлмаганда, инсон минг йил яшаган бўларди», деб бежиз айтмаган.

Ҳар йили 1 сентябрни Ленин дарси, Тинчлик дарси билан бошлар эдик. Мен янги ўқув йилидан биринчи дарсимни жумҳуриятимиз, вилоятимиз, жумладан ноҳиямизнинг табиий шароити, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, суғориш манбалари, болалар яшаб турган маҳаллалардаги кўчалар, ариқларнинг тозалиги каби масалаларга бағишладим.

Табиатни севишга, ардоқлашга ўргатиш аввало оиладан бошланади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимда синглим Манзурахон билан ҳовлини супуриб, супуриндини кўчамиздан ўтадиган анҳорга ташлаётганимизда, бобом кўриб қолди.

— Ҳай, ҳай, анҳорга ташламанглар, гуноҳга ботасизлар дўзахда куясизлар, — деб қаттиқ дашном беришди. Биз жуда қўрқиб кетдик ва шушу сувга ҳеч нарса ташламайдиган бўлдик.

Кўклам кунларининг бирида бобом раҳматли кўчадаги анҳор бўйига ёнғоқ, ўрик, олма кўчатларини ўтқаздилар. Биз болаларча соддалик билан:

— Бобо, бу дарахтларнинг мевасини болалар битта қўймай олиб кетишади-ку, — дебмиз.

Бобом эса: — Жуда яхшида. Майли, олсин, есин. Кўпчилик баҳраманд бўлса, савоби тегади. Ҳамма ҳам кўплаб мевали кўчат экаверса, юрт обод бўлади. Ноз-неъматлар сероб бўлади, — деганлари ҳамон ёдимизда.

Мен мактабда экологик сабоқ беришдан олдин ўқувчиларнинг шу соҳадаги билим ва кўникмалари қандай эканлигини аниқлаб оламан. Табиатни, ҳайвонот оламини жондан севадиган болалар кўп. Бироқ ит ва мушукларни қийнайдиган, ариқлардаги жониворларни ўлдирадиган, экилган кўчатларни синдириб кетадиган, табиатга нисбатан шафқатсизларни ҳам учратиш мумкин Бундай болаларда табиатга, ҳайвонларга, ўсимликларга нисбатан меҳр уйғотиш ўқитувчи учун осон иш эмас.

Экологик тарбияни амалга оширишда жуғрофия, табиатшунослик дарсларида кенг имкониятлар бор. Буни бир дарс мисолида ҳамкасбларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Дарс мавзуси:

«Ноҳиямиз табиий шароити, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси».

Дарс мақсади:

1. Таълимий мақсад: ўқувчиларга маҳаллий шароитимизга боғлаб экологик билимлар бериш; жуғрофия, тарих, адабиёт, кимё, физика, биология, анатомия фанларидан фойдаланиш.

2. Тарбиявий мақсад: ўқувчиларни табиатни севишга, асрашга, ардоқлашга ўргатиш; Ватанни покиза сақлаш туйғусини шакллантириш; тежамкорликка ўргатиш, гўзалликни севиш ва яратиш руҳида тарбиялаш.

Дарс жиҳозлари: гербарийлар, коллекциялар, табиат муҳофазасига бағишланган альбомлар, зararланган ва зararланмаган ўсимлик намуналари, мевалар, уруғлар, Фарғона водийсининг табиий харитаси, магнитофон, деворий газета ва ҳоказо.

Ана шу воситалардан кўргазмалар ясаб, дарсни қуйидаги режа асосида олиб бораман.

1. Ноҳиямиз табиий шароити ҳақида суҳбат. **Экология, ландшафт** сўзларини изоҳлаб бериш.

2. Ноҳиямиз экологиясининг бузилиш сабабларини тушунтириш. Бу ҳақда ўқувчилар фикрини сўраш.

3. Ҳукуматимизнинг табиат муҳофазаси учун қилаётган ишлари ҳақида маълумот бериш.

4. Бешариқлик шоир И. Назаровнинг «Дўстим, сепма далага дори!» шеърини магнитофон орқали эшиттириш.

5. Ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш бўйича турли ихтиёрий топшириқлар бериш.

Инсоният ҳаёти табиий шароит, ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Ўсимликлар, дарахтлар инсонни тўйдиради, кийинтиришга хомашё беради, ҳавони тозалаб туради, сўлим гўшалар яратади.

Бизнинг ноҳиямиз Фарғона водийсининг ғарбий қисмида жойлашган. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Фурқат, Фрунзе ноҳиялари ҳамда қардош Тожикистон Республикасининг Исфара, Конибодом, Ашт ноҳиялари билан чегарадошдир. Шимол томонидан Сирдарё оқиб ўтади. Ноҳиянинг экин ерлари, боғроғларини Катта Фарғона канали, Исфара ва Сўх дарёлари сув билан таъминлаб туради.

Ноҳиямиз ерлари текисликлардан иборат, денгиз сатҳидан 250—300 метр баландликда жойлашган. Қўқон ва Бекобод шамолларининг очиқ дарвозаси ҳисобланади. Ёғин миқдори 100—150 миллиметрни ташкил этади. Ёзда энг юқори кунлик ҳарорат +42—43 даражага чиқиши мумкин.

Ноҳиямизнинг жанубида кенг дашт ерлар ястаниб ётибди. Бу ерда ўрмон хўжалиги мавжуд. Тош ва шағали ҳам катта табиий бойлик ҳисобланади. 2 та санаторий бор. «Искра» санаторийсида ошқозон-ичак, ўт пуфаги, жигар ва буйрак касалликлари билан оғриган кишилар даволанади. Рапқон санаторийсида ҳаракат аъзолари, асаб хасталиклари даволанади.

Ноҳия табиати, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси тайёрланган гербарий ва коллекциялар ёрдамида савол-жавоб орқали тушунтирилади. Ўрни келганда боғ-роғларга, табиатга сайр уюштириб, ноҳиямизнинг гўзал жойлари билан таништирилади.

Ноҳиямиз экологиясининг бузилиш ҳоллари ҳақида тушунтириш берилади. Биринчидан, атроф-муҳитнинг ифлосланишига одамларнинг ўзлари сабабчи бўладилар: ариқларга, кўчаларга ҳар хил чиқиндиларни ташлаб ифлослантирадилар. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги экинларига турли заҳарли дорилар сепиш натижасида одамлар соғлигига жиддий зарар етказилади. Ҳайриятки, кейинги йилларда заҳарли химикатларни сепиш қаттиқ таъқиқланди. Учинчидан, саноат корхоналари ва транспорт ҳам экологик муҳитни бузишга сабаб бўлади. Момиқ фабрикасидан чиқаётган гард корхона атрофидаги ҳовлиларни ифлослантириб, одамлар соғлигига зарар етказяпти. Корхона маъмурияти бу муаммони бир неча йилдан буён ҳал қила олмаяпти. Трактор ва автомашина тутунлари ҳам шаҳар ҳавосини бузяпти.

Сабзавот ва полиз маҳсулотлари таркибида нитрат миқдорининг меъёридан ортиқча бўлиши оқибатида одамлар ошқозон-ичак, жигар касалликларига чалиняпти. Бу хавфли иллатнинг олдини олиш наҳотки, мумкин бўлмаса? Шу ўринда шоир Иқбол Назаров куюнчаклик билан ёзган қуйидаги сатрлар ёдга тушади:

Майли, қовун бўлмасин йирик,
Майли, ғумай сал бўлсин шерик,
Мангу бўлсин табиат тирик,
Дўстим, сепма далага дори.
Мева қоқиб шохидан дув-дув,
Артиб ейин билмайин қўрқув,
Ётиб ичай ариқлардан сув,
Дўстим, сепма далага дори.

Бизнинг шароитимизда ер ости сувларини мувозанатда тутиш, ҳавони чангдан тозалашда тол ва теракка тўғри келадиган дарахтлар йўқ. Абу Али ибн Сино ўпка сили ва бошқа нафас йўллари касалликларини қора толнинг соясида ётқизиб даволар экан. Масалан: 1 гектар ердаги қарағай ўрмонига нисбатан, шу майдондаги теракзор, толзор 700 фоиз кўп кислород чиқаради. «Искра» жамоа хўжалигининг собиқ раиси Тошмуҳаммад ота Мазокиров эктирган бақатераклар шабадада кумушдай товланиб, санаторий атрофига ажойиб гўзаллик ва мусаффолик бахш этмоқда. Киров номли давлат хўжалигининг директори С Абдумажидов бошчилигида барпо этилаётган истироҳат боғи ва ўқувчилар оромгоҳи ҳам кишининг баҳри дилини очади.

Ноҳия халқ таълими бўлими ҳам ер олиб, бирор жойда ўқитувчилар оромгоҳини бунёд этса, айни муддао бўлур эди. Экология сабоғи баҳонасида раҳматли ўстозимиз Ҳозиржон ака Йўлдошевнинг номини тилга олгим келди. Бу киши ўзи тарихчи бўлса ҳам, табиатни ғоят севар, ободончилик ишларига ихлоси баланд эди. Унинг эккан дарахтлари 45-мактаб боғида, шаҳар Совети ҳовлисида, шаҳар кўчаларида, бозор майдонида яшнаб турибди. У киши қаерга қадами етса, ўша ерга анвойи гуллар, сархил мевалар, ҳар хил ниҳоллар эктирар, ўзи пайванд қилар эди. Бундай саховатли кишилар ноҳиямизда кўп. Уларнинг яхши анъаналарини давом эттириш — ёшларимизнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик бурчидир.

Мастура РАШИДОВА,
Фарғона вилояти Бешариқ ноҳиясидаги Куйбишев номли 1-ўрта мактабнинг жуғрофия-биология ўқитувчиси.

ХОТИРА

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

1944 йил. Вазирлар кенгашининг Ўрта Осиё давлат дорилфунуни қошида Шарқшунослик куллиётини ташкил этиш ҳақидаги қарори эълон қилинганда, бу факультетга бошлиқ, яъни деканлик лавозимига шарқ тилларини яхши биладиган тарих фанлари номзоди, доцент Абдураҳмон Ҳамроев тайинланди.

Шу йиллар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан оғир бир давр бўлиб, чет мамлакатлар билан турли соҳаларда алоқа ўрнатиш лозим эди. Бунинг учун эса хорижий шарқ тилларини мукаммал биладиган билимдон кадрлар ниҳоятда зарурлигини чуқур англаб етган куллиёт декани А. Ҳамроев олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турарди. Маълумки, бу вақтда жумҳуриятда шарқшунос педагог ва олимлар деярли йўқ эди.

Оғир шароитда деканнинг ташкилотчилик қобилияти, шарқ тилларини яхши билиши ва бу соҳада етук мутахассис эканлиги қўл келди. Биринчи бўлиб А. Ҳамроев ўзи қадимги дунё тарихидан маърузалар ўқий бошлади. Бундан ташқари, 1942 йилда уруш туфайли Москва ва Ленинград шарқшунослик марказларидан Ўзбекистонга келиб қолган йирик шарқшунослардан, уларнинг илм ва тажрибаларидан унумли фойдаланди, уларни факультетда шарқ тиллари ва адабиётидан, тарих ва иқтисоддан ва шарқшуносликнинг бошқа соҳалари бўйича маърузалар ўқишга жалб қилди.

Шу билан бир вақтда устоз А. Ҳамроев ўқув қўлланмалари яратиш борасида ҳам маълум ишларни олиб боради. Унинг ташаббускорлиги туфайли форс тилини ўрганувчи талабалар учун «Чанд ҳэкойате форси», «Тўтиномэ» номли ўқиш китоблари, айрим қўлланмалар яратиш борасида катта ишлар олиб борилди.

А. Ҳамроев ўқув жараёнини, шарқшунослик муаммоларини жуда яхши биларди. У ўқув дастурларини тузишда кенг профилли шарқшунос кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берарди. Шунинг учун ҳам талабаларга бир вақтда бир неча тил чуқур ўргатиларди. Қўлёзмаларнинг хусусияти ва уларнинг сир-асрорлари, классик адабиёт, аруз илми ҳақида атрофлича маълумот берилар ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун кенг миқёсда амалий машғулотлар олиб борилар эди. Шу билан бирга мамлакатнинг тарихи, жуғрофияси, иқтисодий давлат тузилиши каби масалаларни ўқитишга алоҳида аҳамият берилади.

Бир сўз билан айтганда, А. Ҳамроев шарқ куллиёти декани сифатида жумҳуриятимизда илк бор ўзбек шарқшуносликнинг пойдеворини барпо этишдек муҳим вазифани бажарган ташкилотчи эди. Кейинчалик эса ўзининг бутун билимини, қалб-қўрини, ақл-заковатини Ўзбекистонда шарқшунос кадрлар тайёрлаш, шарқшунослик фанини ривожлантириш ва миллий қадриятларимизни юксалтиришга сафарбар этди. А. Ҳамроев деканлик пайтида шарқшунослик куллиётида ҳаёт жўш урган бир давр эди. У ўз атрофига ёшлар ташкилотини, касаба уюшмасини ва фаол талабаларни тўплаб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилар, ҳаёт сабоқларини ўргатар эди. Катта қобилият ва иш тажрибасига эга бўлган А. Ҳамроев кўпгина давлат ва шўро органларида ҳам фаол иш олиб борди. 1947-1953 йиллар давомида у чет эллар билан маданий алоқалар бутуниттифоқ жамиятининг Ўзбекистон бўлимига раҳбарлик қилиб, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий ва илмий алоқаларини ривожлантиришга катта улуш қўшади. А. Ҳамроев 1972 йилдан умрининг охирига қадар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳида қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи кафедрасида мудирлик лавозимида ишлади ва талабаларимизга элимиз, ота-боболаримиз тарихи ҳақида мароқли маърузалар ўқиди.

А. Ҳамроев жуда кўп илмий асарлар, мақолалар ва ўқув қўлланмалари муаллифидир. Улар орасида «Бухоро хонлиги даврида ер-сув муносабатлари»га бағишланган асарлари алоҳида ўрин тутади. Булардан ташқари, унинг Урта Осиё тарихига оид кўпгина илмий асарлари мавжуд бўлиб, улар шу кунга қадар ўз илмий ва амалий аҳамиятини йўқотмай, олим ва талабаларимизга бу даврни ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Жумҳуриятда домланинг шогирдлари ҳам жуда кўп.

Малик АБДУСАМАТОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик олий илмгоҳининг шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси мудири.

ЁДИМДАН ЧИҚМАЙДИЛАР

«Инсон ўз умрида кўп воқеаларни, севинчу ташвишларни, қизиқ ва сирли кунларни бошидан кечиради», — дер эдилар отам раҳматлик Туроб Қурбонов. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. 1928 йили Олмазор кўчасидаги «Ҳаёт» мактабида олтинчи синфда ўқирдим. Мактабимизга академик шоиримиз Ғафур Ғулом директорлик қилардилар. Бир куни у киши синфга кириб, беш нафар ўртоқларим билан бирга бизни хоналарига бошлаб чиқдилар. «Сизларнинг саводингиз чиқиб бўлди. Энди эса маҳаллалардаги ака-опаларингизга ҳарф ўргатинглар. Саводсизликни тугатиш курслари очамиз, сизларга ўқитувчингиз Миррид Содиқов афанди раҳбарлик қилади», дедилар.

Ғафур аканинг сўзи билан мен синфдошларим қатори ўзимизнинг «Маданият» маҳалламизда ташкил этилган саводсизликни тугатиш курсида дарс бера бошладим. Худди шу пайтларда менда ўқитувчиликка илк ҳавас уйғонганди. Еттинчи синфни тугатгач «Ҳаёт» мактабида ёш-яланглар гуруҳини ўқитдим. Бу орада ўзим ўқитувчилар тайёрлаш курсини, сўнг эса Тошкент давлат педагогика институти тил-адабиёт факультетини тугатдим. Яна ўзим ўқиган мактабимда муаллимлик қила бошладим Зийрак, меҳрибон ва ғамхўр инсон Ғафур аканинг биргина турткиси, йўлланмаси билан ҳаётдаги ўрнимни, бахт йўлимни топиб олдим.

...Отам бутун умрларини ёш авлодга таълим-тарбия беришга, уни халқга наф тегизадиган қилиб камол топтиришга бағишладилар. Улар пойтахтимизнинг Октябрь районидаги 75-мактабда илмий бўлим мудири, 76-мактабда узоқ йиллар директорлик қилдилар. Умрларининг сўнгги йилларини ҳам Акмал Икромов районидаги 123-мактабда севган касбларига бағишладилар, ёшларга мураббийлик қилдилар, ўқитдилар, ўргатдилар.

Маҳалла-куй аҳли ҳам отамни чин дилдан ҳурмат қилар, каттаю кичик «Туроб домла», «Туроб домком» дея эъзозлашарди. Отам Ленин мукофоти лауреати Р. Исломбеков, хизмат кўрсатган учувчи Ғ. Орипов, қаҳрамон А. Эшонқулов, филология-фанлари доктори Шоислом Шомуҳамедов, шифокор-олима Дилфуза Ғуломова сингари шогирдлари борлигидан чексиз фахрланардилар.

У кишининг кўп йиллик машаққатли меҳнатлари беиз қолмади. «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, қатор фахрий ёрлиқлар, жумҳурият халқ маорифи аълочиси унвони билан тақдирландилар.

Биз чин маърифатчи, жонкуяр педагог, ғамхўр устоз, меҳрибон падаримиз Туроб Қурбоновнинг порлоқ хотирасига муносиб ўғил-қизлар бўлишга астойдил ҳаракат қилиб яшаяпмиз. Отамизнинг азиз хотираси қалбимиздан асло ўчмайди.

Маҳсума ТУРОББЕК қизи,
Тошкентдаги 445-болалар боғчасининг логопед ўқитувчиси.

ОНАЖОНИМ

Тонг саҳарда мен онамнинг
Сиймосини қўмсадим.
Топмоқ бўлиб пайпасласам,
Бувим қўлин ушладим.

Эй худойим, паноҳгўйим,
Қайтар менинг онамни.
Қон қақшатиб мен гўдакни,
Қийнамагин танамни.

Онажоним, кўзда ёшу
Армон билан кетдингиз
Болам қолди, уйим қолди,
Дея нолон кетдингиз.

Наҳот энди бир умрга
Мен онамни қўмсайман.
Қачонгача йўлин пойлаб,
Фиғон чекиб бўзлайман.

Дилдора БАХТИЁР қизи,
Тошкентдаги 201-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси.

КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР

Куй авжида узилмасин тор,
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам...

Муҳайё шу шеърни берилиб ўқирди. Гарчанд шифокор бўлиш ниятида яшаса-да, ўқиш ва ишлари билан талабалар меҳрию устозлар эътиборини қозонган бўлса-да, ўзини куй ва қўшиқлар оламисиз тасаввур қилолмасди. Олийгоҳдаги бирор тадбир ёки кеча унингсиз ўтмасди. Бизда ўқишлар қийин. Лекин Муҳайёхон эҳтиросли қалбию, оламга синчков боқиши билан «қийин» сўзини луғатидан бутунлай ўчириб юборган эди. Эсимда, севимли санъаткоримиз Рихси Иброҳимова билан бўлган учрашув. Ўшанда Муҳайё «Тўмарис» спектаклига ўзига хос қарашларини баён қила олганди. Кўп ўтмай унинг овозини радио тўлқинлари орқали ҳам эшитгандик... Яна ўтган йили ўтган Наврўз байрами тантаналари-чи! Ўшанда ака-ука Ваҳобовлар ва севимли шоиримиз Эркин Воҳидовлар гўзаллик байрамимизнинг жозибасини оширган эдилар. Муҳайё эса... кечани бошқарган, ҳис-ҳаяжонларини дўстларига улашган эди! Ана, у жилмайиб севимли актрисамиз Гулчеҳра Жамилова билан суратга тушаяпти. Ана, энди у йўқ. Бултур, севимли хонандамиз Юлдуз Усмонованинг «Онажоним» номли қўшиғини Наманганда яшаб, унинг йўлларига кўз тутиб турган онаизори учун радиодан йўллатган қизгина бу йил... гўристонни макон этди! Шундай, биз фақат катталарни эмас, ёшларни ҳам асрашимиз керак экан. Дўстимиз, ўртоғимизни эъзозлашимиз шарт экан. Шу қадар тез йўқотишлару фавқулоддаги тасодифларга тўла экан бу дунё!

Муҳайё, сингилжон, сени, Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи санитария-гигиена куллиёти битирувчисини, ахир биз янги ҳаётинг, оилавий турмушга қадам қўйганинг билан қутлаб, кунларинг қандай кечаяпти, кўнглингда не ниятинг бор, суриштирмай яшай берибмиз-у, гўё бу дунёда барчамиз мўқиммиз, деб ўйлабмиз. Сен эса...

Қисқа, аммо мазмунли умринг кўз олдимизда тез-тез жонланади, сингилжон. Ўзинг севган олийгоҳинг, унда таҳсил олаётган иқтидорли дўстларинг номингни бот-бот тилга олишади. Чунки, сен ошиқиб, тошиқиб кириб келадиган катта даргоҳдаги бўлажак шифокорлардан ташкил топган бадиий тўгарак «Муҳайё» номи билан юритилмоқда. Бир-бировга эътибору меҳрлар муҳайё бўлишига ишора бу.

Ш. ТЎЛАГАНОВ, снёсий иқтисод ўқитувчиси.

ЮРАГИДА ҚУЁШ БОР ЭДИ...

...Ҳар сафар биз қишлоққа борганимизда, дўстлар орасида боши беҳад кўкка етадиган, дунёга сиғмай болаларча қувонч билан бизни қаршилаб, қўярда-қўймай гоҳ уйига, гоҳ Ғани отанинг пешона тери мўл-кўл томган боғларига бошлаб, уни ҳайрат билан кўрсатадиган бир инсон бор эди. У дўстимиз, ажойиб муаллим Анорбой Тувалбоев эди. Бугун атрофни бир олам яшил шодлик билан безатаётган, фасллар ибтидоси баҳор ва Наврўзни гулларга чўмиб қаршилаётган дарахтларга, эккан боғбонини қўмсаб, мунғайиб турган ниҳолларга кўзимиз тушади-ю, беихтиёр кўзимиздан аччиқ-аччиқ ёш қуйилади.

Умр чиндан ҳам «қошу киприк» орасимикан... Шундай дўстимиз борлигидан бағримиз тўлиб, кўксимиз тоғ қадар ўсиб, унинг дўлворлиги, хокисорлиги, бағрикенглиги, оддийлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапириб юрганимизда, бирдан умрнинг оқар суви тинди. Биз ишонган, суянган дўст қирчиллама қирқ ёшида орамиздан кетди... Ота-онасининг ёлғизгина фарзанди, болалари учун севимли ота, мурувватли оила бошлиғини ўлим дўстлар даврисдан юлиб олди.

Анорбой Тувалбоев Самарқанд вилоятининг Жомбой ноҳиясидаги 22-ўрта мактаб директори эди. Самарқанд давлат дорилфунунининг тарихжуғрофия факультетини тугатиб, анча йиллар 31-тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчилик қилган эди. Бир неча йил илмий бўлим мудири бўлиб ишлаганди. У болаларнинг билимлари бўш бўлиб қолаётганидан, ҳозирги авлод миллий заминдан узоқроқ бўлиб ўсаётганидан изтироб чекарди. Қишлоғининг тўю-маъракаси — барча йиғини Анорбойсиз ўтмасди. Энг ҳайратлиси, у ҳеч кимнинг дилини оғритмас эди. Аммо яхшига юрим йўқлиги бор гап эканми, дўстимиз ювошлик ва ҳокисорлик билан, ҳеч кимга юки ҳам тушмай орамиздан кетди...

Энди у табиат уйғонаётган ушбу кунларда, юлдузлар ғалати чарақлайдиган бу гўзал тунларда қуёшдек кулиб тушларимизга кираверади. Қалбидаги одамийлик қуёши кўзларида, меҳрибон қиёфасида жилваланиб тураверади. У директорлик қилаётган 22-мактабда бошлаган барча хайрли ишларда қўлларининг гафти ҳали-ҳануз совумай турибди. Унинг раҳбарлигида мактабда қисқа вақт ичида компьютерлашган синфхоналари ташкил этилган эди. ЭҲМларни бошқаришга қишлоқ болаларининг қўли келиб қолган, ДОСААФ заллари ва хоналари янги ўқув-методик қуроллари билан жиҳозланиб, тарих ва жуғрофия дарсларида ҳам ўзига хос ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлаганди. Мактаб атрофи ободонлаштирилган, бўш жойларга ниҳоллар экилганди. Ёғинсочинда ўқувчилар лойга ботиб юрмасин деб, ҳовли саҳнидаги йўлакчалар ҳам асфальтланган эди.

Энг муҳими, у барча самимий қалбларга яхшилик ва эзгулик, дўстлик ва меҳр-оқибат ниҳолларини экиб улгурган эди... Дўстимиздан худди отаси каби беғубор фарзандлар, баҳор чечакларидай шогирдлар, гулга чўмган дарахтлар каби тоза хотиралар қолди.

Шарифа САЛИМОВА,
Хуррам РАҲИМОВ.

табиий бойликлар аста-секин тугаб борди, техника турғун ҳолатда қолиб кетди. Бу эса «учинчи дунё»даги бир қатор мамлакатлар учун характерли бўлган иқтисодий қолоқликка сабаб бўлди. 70-йилларнинг ўрталаридан бу мамлакатларда дин ижтимоий турмушнинг ҳал қилувчи омили сифатида қарор топишидан иборат жараён кенгайиб борди. Ислом ҳукмрон дин бўлган бир қатор мамлакатларда ана шу динни тарғиб қилувчи ахлоқий-маънавий қадриятларга асосланувчи ислом цивилизациясини яратиш ғояси олға сурилаётир.

Ғарбий цивилизация. Тадқиқотчилар турлича атайдиган (техноген цивилизация, индустриал, илмий-техникавий цивилизация) социал ривожланишнинг бу типи ўзининг кўпгина хусусиятлари билан анъанавий жамиятнинг акси бўлсада, унинг ҳам етарли даражада чуқур тарихий илдизлари бор. Антик маданият ютуқларини, Ғарбий Европадаги ўрта аср ва кейинчалик Уйғониш даври цивилизацияси ютуқларини мужассамлаштирувчи индустриал цивилизация қай тариқа қарор топганидан сиз хабардорсиз. Бу цивилизация уч юз йилдан сал кўпроқ вақтдан бери мавжуд. Табиий муҳити Шарқ мамлакатларига нисбатан фарқли бўлган Европа минтақасида таркиб топган интенсив ишлаб чиқариш жамият жисмоий ва ақлий кучларининг ниҳоятда зўр бериб ишлашини, меҳнат қуролларини, табиатга таъсир кўрсатиш усулларини доимо такомиллаштиришни талаб қилди. Қадриятларнинг янги системаси ҳам шаклланди. Инсоннинг фаол, яратувчилик, ўзгартирувчилик фаолияти биринчи ўринга қўйилди. Доимий янгиланиш бу цивилизация тараққиётининг қудратли омили ва идеали бўлиб қолди. Инсоннинг ақлий кучларини, кашфиётчилик қобилиятини анча кенгайтирувчи илмий билим зарурий қадрият бўлиб қолди. Шу тарзда у анъанавий жамиятларнинг ўзига хос «мушоҳада»сига қарама-қарши бўлиб қолди.

Инсон турмуши жамоа шаклларининг аҳамияти биринчи ўринга қўйиладиган анъанавий жамиятдан фарқли ўлароқ Ғарб цивилизацияси шахснинг энг муҳим қадриятларини алоҳида тарзда, турмушдан мустақил равишда олға сурди. Бу эса ўз навбатида шахснинг зарур ҳуқуқлари, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат ғояларига олиб келди.

XX асрда илмий ва техникавий кашфиётлар, хусусан, конвейернинг ихтиро қилиниши оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Индустриал олам **кўламларни, тезлик**ни, қувватларни оширишга интилди. Деярли барча тармоқларда улкан кўламларга: жуда катта корхоналар, ҳайбатли қурилишлар, дабдабали иншоотларга интилиш ҳукм сурди. Асрнинг ўрталарида яшаган одамларда 80-90-йилларда бир неча минг йўловчини ташийдиган поездлар; жуда кўп одам сиғадиган ва овоз тезлигидан ўн баравар тезроқ учадиган самолётлар вужудга келади: кемаларга миллионлаб тонна юк ортилади, деган тасаввур пайдо бўлган эди. Ўша пайтда ана шу хаёлларга ишонишарди.

Усиш чегаралари. Шу тарзда асримизнинг ўрталарида индустриал цивилизация оммавий ишлаб чиқариш ва истеъмол жамиятига айланди. «Ҳар бир саноатлашган жамият, у капиталистик ёки социалистик, шарқий ёки ғарбий жамият бўлишидан қатъи назар-муайян принципларга амал қилади. Марс сайёрасидан келган мавжудот ҳамма жойда бир хил нарсани — стандартлаштириш, марказлаштириш, максималлаштириш, улкан нарсаларга интилиш, ахборот, ихтисослаштириш, замонавийлаштиришга дуч келган бўлур эди». Бу гапларни машҳур Америка олими О. Тоффлер айтган.

Аммо ана шу принциплар асосида таркиб топган тизимга 70-йилларнинг ўрталарига келиб путур ета бошлади. Бошланиб кетган йўналишда ҳаракат қилиш йўлида кўпдан-кўп чекланишлар пайдо бўлди. Бу нарса биринчи навбата энергетика (таназзулида) намоён бўлди: тобора қимматлашиб бораётган нефть истеъмолининг янада ортиб бориши ташиб келтириладиган хомашё ҳисобига яшаётган мамлакатлар миллий иқтисодиётини барбод қилиш хавфини туғдирди. Экологик чеклашлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Оммавий ишлаб чиқариш ўз кўлами туфайлигина эмас, балки ишлаб чиқарувчилар атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, зарарли чиқитларнинг олдини олишга маблағ сарфламаганликлари туфайли ҳам арзон бўлган эди. Аммо, бир томондан, табиатга ресурсларнинг битмас-туганмас хазинаси сифатида ва чиқитларни ташлаш учун қулай жой сифатида муносабатда бўлишни экологик таназзул жадал авж олиб бораётган шароитда ўзгартиришга тўғри келади.

Оммавий ишлаб чиқаришнинг фойдали тармоқдан катта зарар келтирадиган соҳага айланиш хавфи туғилди.

Индустриал цивилизациянинг айрим қадриятлари вақт синовига ҳам бардош бера олмади. Одамлар табиатгагина эмас, балки ижтимоий жараёнларга ҳам фаол ўзгартирувчилик таъсирларини ўтказиб, катта кўламдаги ижтимоий экспериментлар даврига қадам қўйдиларки, бу қадамларнинг оқибатлари дастлабки режаларга мувофиқ келмай қолди. Бунда жамиятни ўзгартириш режаларининг ўзи ҳам кўпинча жўн тасаввур қилинди: муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга тақлидан одамларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлайдиган, уюшган ижтимоий тизим режалари ишлаб чиқила бошланди.

Индустрия давридан кейинги цивилизация. Хўш, шу қадар шиддат билан бошланган инустриал цивилиация ўз умрини яшаб бўлиб ҳалокатга юз тутдими? Ана шундай хавотирли гаплар айтилган бўлса-да, ғарбий жамият бир қатор мушкул муаммоларни ҳал этиш йўлини топа олди. Кўпгина масалаларни фан-техника революцияси ҳал қилиб берди. Унинг ютуқлари туфайли ресурсларни тежовчи янги технологиялар яратишга эришилдики, улардан фойдаланиш табиий хомашёлардан фойдаланишни анча қисқартиришга олиб келди. Электрон-ҳисоблаш техникаси негизида ишлаб чиқаришни бошқаришда инқилоб бошланди. Кўпгина олимларнинг фикрича, истиқболда ахборот жамияти ҳукмрон бўлади. Оммавий ишлаб чиқариш ўз ўрнини майда туркумли ишлаб чиқаришга бўшатиб беради. Юксак технологияга асосланган алоҳида буюртмалар бўйича ишлаб чиқариш оммавий ишлаб чиқаришдан арзонроқ бўлиб чиқди. Кичик туркумдаги буюмларни сотиш осонроқ бўлиб, қолдиқларни сақлаш учун омборларнинг ҳожати қолмайди, энг муҳими эса, бундай ишлаб чиқариш талабнинг ўзгаришига тезда монандлашиш, эски моделни янгиси билан ўз вақтида алмаштириш имконини беради. Ишлаб чиқаришдан бошқа соҳаларда хилма-хиллик ортиб бормоқда. Алоқа воситаларининг имкониятлари кенгаймоқда: йўлдош ёрдамида ишлайдиган ва кўп каналли телевидение, китобхонларнинг турли гуруҳларига мўлжалланган хилма-хил матбаа нашрлари, шахсий компьютерлар кенг тарқалмоқда. Эндиликда этник, маданий тафовутлар жамият тараққиёти йўлида тўсиқ бўлмай қолди.

Хуллас, инсоният ўз «йўлини давом эттирмоқда». Бундан лоақал индустриал даврдан кейинги ривожланиш босқичига қадам қўйганлар учун барча муаммолар ҳал этилди, деган маъно келиб чиқадими? Йўқ, албатта. Янги қийинчиликлар ва боши берк йўналишлар вужудга келмоқда. Аммо улар орасида бутун инсониятга тааллуқли муаммолар: экологик бўҳрон, қуроллароғларнинг ўсиши ва такомиллаштирилиши натижасида уруш хавфининг вужудга келиши, демографик портлаш энг хатарлилардан бўлиб қолмоқда. Оламшумул (глобал) муаммолар деб ном олган ана шу муаммоларнинг моҳиятини таҳлил қилиш ва бу аҳволдан чиқиш йўлларини қидириб топиш масалалари навбатдаги параграфларда кўриб чиқилади.

(Давоми бор).

Балкиз АЛАДДИН

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

АҲЛИ БАЙТ

Одатда «Аҳли байт» деганда қутлуғ хонадон — Пайғамбар оиласи кўзда тутилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Аллоҳ Муҳаммадга оила қуриб, ўз маслакдошларига ибрат кўрсатишни амр этади. Тангрининг хоҳиши билан у ота, бобо, эр, куёв ва қайнота бўлиш бахтига эришади.

Пайғамбар икки ўғил кўради, лекин иккиси ҳам гўдакликдаёқ касалга чалиниб, нобуд бўлади. Етимликда ўсган Муҳаммаднинг ёши бир жойга етганда, ворис ўғиллари йўқ эди.

Тангри дейди: «Мен бандаларимни имтиҳон қиламан. Мен уларнинг бошига қайғу-аламлар, ташвиш-надоматлар соламан. Мен уларни бойлик-бисотлари, азиз фарзандларидан айираман. Эътиқоди бутун, имони мустаҳкам бўлганлар менинг иродамга бўйсунурлар».

Тарихда барча пайғамбарлар меҳнатмашаққатларга дучор бўлишган, мушкул синовлардан ўтишган, қайғу-аламлар чекишган. Чунончи, Ҳазрат Юсуфни қул қилиб сотишади, Ҳазрат Ёқуб кўр бўлиб қолади, Ҳазрат Юнусни наҳанг ютади. Ҳазрат Иброҳимга эса ўз ўғлини қурбон қилиш буюрилади... Оғир синовлардан Муҳаммад ҳам бенасиб қолмайди.

Унинг тўрт қизи бор эди. Кенжасини Фотима деб аташар, у отасига айниқса суюкли эди. Қиз ўн беш ёшда экан, Бадр жангдан сўнг уни Алига никоҳлаб беришади. Фотима Ҳасан-Ҳусан — икки ўғил туғади. Пайғамбар неваралари айрича бир меҳр ила севади. Муҳаммад, Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусанни «Аҳли байт» — Қутлуғ оила, дейишади. Орадан йиллар ўтиб, Ҳусан Ироқда шаҳид бўлади.

Фотима эрга чиққанда Пайғамбар унга сув ташиш учун бир меш, бир кўрпа, бир неча сопол пиёла ва бир ёрғучоқ совға қилади. Фотима ҳамиша ўша мешда сув ташиб, ўша ёрғучоқда ун тортади. Али фақирлиги туфайли қайлиғи учун қалин тўламайди. У Бадрда бир пўлат дубулға топиб олади. Дубулғани бир неча дирҳамга сотиб, пулни Фотимага беради.

Фотима отасини беҳад севар эди. У меҳрибон, оқила ва камсуқум қиз эди. Бир кун Пайғамбар уйга боши ёрилиб, қон ва лойга беланган ҳолда қайтади. Маккаликлар уни аёвсиз калтаклашган эди. Фотима отасининг бошини қон ва лойдан тозаларкан, чидаб туролмайди, ҳўнграб йиғлайди.

«Нега шундай қилишади, ота? — дейди у кўз ёшларини оқизиб. — Нега шу қадар тошбағирлик қилишади?»

«Йиғлама, Фотима, — дейди Пайғамбар, — худонинг хоҳиши шу...»

УҲУД ВА ҲАНДАҚ ЖАНГЛАРИ

Милодий 624 йилда маккаликлар Абу Суфён бошчилигида уч минг яхши қуролланган қўшин билан яна бостириб келишади. Муҳаммад ўз одамлари билан кенгашиб, етти юз қўшин билан уларга қарши чиқади. Уҳуд деган жойда жанг кечади.

Ўшангача араблар жангда қўлга тушган нарсани ўлжа олишарди. Бу гал Пайғамбар, ҳеч ким ўлжа олмасин, деб қатъий буйруқ беради. Сабабки, жанг ўлжа учунмас, эътиқод учун бўлаётган эди.

Жанг даҳшатли тус олади. Қурайш аёллари эркакларни жасоратга чорлаб, жанговар қўшиқлар куйлашади. Мадиналиклар Муҳаммаднинг айтганига амал қилишса, эҳтимолки, ғолибликни осонроқ қўлга киритишарди. Лекин улар ўзларини ўлжага уришади. Холид ибн Волид деган маккалик буни кўриб, ўз аскарлари билан тикка ҳужумга ўтади ва қўплаб мадиналикларни қиличдан ўтказади. Муҳаммад бошидан яраланади ва тош тегиб, икки тишидан ажралади. У қонга беланиб йиқилади. Мадиналиклар уни ўлди деб ўйлаб, саросимага тушадилар. Шунда Али олдинга отилиб: «Пайғамбар тирик!» — деб қичқиради. Мадиналиклар тўпланиб, яна майдонга тушадилар. Ниҳоят, маккаликлар отлари бошини буриб, қоча бошлайдилар. Улар бор-йўғи ўн тўрт кишини йўқотишади, холос. Мадиналикларнинг талафоти катта эди, улар етмиш кишидан айрилишади. Мусъаб бин Умайр билан Муҳаммаднинг амакиси — Ҳамза ҳам ҳалок бўлишганди. Ҳаттоки Абу Суфённинг қасоскор хотини Ҳинд Ҳамзанинг кўксини ёриб, унинг юрагини юлиб олган ва оғзига солиб, чайнаган эди.

Пайғамбар шаҳид сафдошлари учун йиғлаб, мотам тутади, дуойи фотиҳа ўқиб, худодан уларнинг узрини маъзур тутишни сўрайди.

Милодий 627 йилда маккаликлар яна ҳужум қилишади. Салмон форсий (у форс бўлиб, ғоят ақлли одам эди) Мадина шаҳри атрофида ҳандақ қазишни маслаҳат беради. Уч минг киши йигирма кун давомида ҳандақ қазийди. Пайғамбар ҳандақ қазувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилади. Бир жойда улкан харсангтошга дуч келиб, қийналиб қолишади. Шунда Муҳаммаднинг ўзи чўкич кўтариб, ҳандаққа тушади. Уч зарб уриб, баҳайбат тошни парчалаб ташлайди. Зарб урган сайин унга аёнлашаверади: Сурия салтанати бўйсунади; Эрон подшолиги ҳам бош эгади; Яман мулки ҳам унга мусаллам бўлади.

Макка қўшини етиб келади. Улар йигирма тўрт минг кишидан иборат эди. Ҳандақдан ўтолмай, шаҳарни қамал қилишади. Бу жанг «ҳандақ жанги» деб аталади. Бир ойдан сўнг маккаликларнинг устун келолмасликлари сезилиб қолади. Тўсатдан кучли бўрон кўтарилиб, уларнинг чодирлари ва озиқ-овқатларини учириб кетади. Маккаликлар чекинишга мажбур бўлишади. Улар шошилинч равишда Маккага қараб йўл оладилар. Кўп ўтмай, Маккада очарчилик юз беради. Пайғамбар кўнглида кек сақламайди, фақир-фуқарога тарқатиш учун Абу Суфён номига хурмо ва беш юз танга тилло жўнатади.

Шу пайтгача мусулмонлар фақат муҳофаза жанги қилишарди. Ҳандақ жангидан сўнг Муҳаммад ёлғиз ҳимоя билан чекланмай, энди ҳужумга ўтиш зарурлигини англайди.

Бу даврга келиб довюрак жангчи Холид ибн Волид (кейинчалик у «Ислом шамшири» номини олади) ва шоир Амр бин Аъас (бир пайтлар у Пайғамбарни масхаралаб шеърлар ёзган эди) Муҳаммадга имон келтириб, мусулмон бўлишади.

ХУДАЙБИЯҲ СУЛҲИ

Келаси, 628 йили Муҳаммадга яна ғойибдан ишора бўлади: у гўё ўз яқинлари билан Маккага кириб бораётганмиш... Муҳаммад буни худонинг хоҳиши деб билади ва бир минг тўрт юз одами билан Маккани зиёрат этганни жўнайди. Бироқ маккаликлар йўлни тўсиб, шаҳарга қўйишмайди.

Муҳаммад қурайшларга элчилар жўнатиб, улар билан музокара бошлайди. Музокара сўнгида Ҳудойбияқ сулҳи тузилади. Ушбу яраш битимига кўра:

1) Муҳаммад Каъбани зиёрат этмай, дарҳол Мадинага қайтиши ва Каъба зиёратига у ўз яқинлари билан келгуси йилда келиши лозим эди;

2) келгуси йил зиёратга келаркан, қурайшлар Маккани уч кунга бўшатиб чиқишлари кўзда тутилади;

3) сулҳ давомида Мадинага борган маккаликлар изига қайтарилиб, маккаликларга қўшилган мадиналикларнинг Маккада қолиши талаб этилади;

4) қурайшлар ҳам, мадиналиклар ҳам истасалар, бошқа қабилалар билан иттифоқ тузишлари мумкин эди...

Шундай қилиб, Муҳаммад Мадинага қайтади. Кўпларнинг ҳафсаласи пир бўлган эди. «Бизга ваъда этилган ғалаба қани?» — деб сўрашади улар. «Ноумид — шайтон, — деб жавоб беради Пайғамбар — Худо бизга нималар насиб этганини қаёқдан биламиз». Мадинага қайтаркан, «Ғалаба» сураси унга аёнлашади.

Аслини олганда Худайбияҳ сулҳи — Муҳаммаднинг улкан ғалабаси эди. Унинг тарафдорлари сафи ортгандан ортиб бораверади. 628 йилда у Маккага борганда, бор-йўғи 1400 одами бор эди. 630 йилда яна Макка томон йўлга тушаркан, унга кўп эмас, роса ўн минг киши эргашади. Маккадан Мадинага элчи бўлиб келган Урва изига қайтиб, қурайшларга шундай дейди: «Худо ҳаққи, мен Қайсарни ҳам, Хусравни ҳам, Негусни ҳам кўрганман. Аммо Муҳаммаддек халқ меҳрини қозонган ҳукмдорни кўрмадим».

Жуҳудлар турли жанжал-низо чиқазиб, Муҳаммаднинг тинчини бузишади. Ниҳоят, улар Мадинага ҳужум қилишади. Милодий 629 йилда Муҳаммад ўз қўшини билан уларнинг Хайбар қалъасига қараб юради. Хайбар — бир эмас, бир неча истеҳкомлардан иборат қалъа эди. Мадиналиклар уларни бирин-кетин қўлга киритишади. Жуҳудлар енгилиб, катта бож тўлашади. Шунда улар Пайғамбарни овқатига заҳар солиб ўлдирмоқчи бўлишади.

Ўша 629 йили Муҳаммад уч кунга Маккага зиёратга келади. Маккаликлар шаҳарни бўшатиб чиқишади ва теварак-атрофдаги тоғлардан Муҳаммаднинг тоат-ибодатини кузатиб туришади.

ТЕЛФОНХЎЖАМ

Адабий фельетон

Телефон тармоқлари идоралари жумҳуриятимизда нарх пойгаси «мусобақа»сидан безиб қолган халқ таълими ходимлари ва меҳнаткашларнинг ариза-шикоятларига қиё боқишмайди, мушкулларини осон қилишмайди...

Кўпгина алоқа ходимларининг қилмишларидан безган шикоятчилар уларнинг «беминнат хизматлари»ни янги пардаларда қўшиқ қилиб айтиб юришармиш, келинг, ўша қўшиқни рўзномамизда биргалашиб айтайлик.

Сира ишинг тушмасин
Телфон идорасига.
Зинҳор-зинҳор ўйнаманг
Чалган ноғорасига.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Бошлиқлари олифта,
Сўзи эса қалампир.
Тил бошқаю дил бошқа,
Сени алдашга қодир.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Юрагида тош қотган,
Қовоғидан ёғар қор.
Наштар этиб кўзларин
Санчиб қўяди ғаддор.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Олсанг агар дастани,
Қонга тўлар юрагинг.
Ўзинг айт-чи, гунг симлар,
Борми элга керагинг?
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Ишдан қолиб қанчалар,
Навбат кутар дилпора.
Линияни созлаш-чун
Борми имкон, бир чора?
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Асабларинг бузилгай
Қатнайвериб қабулга.
Балки, чўнтак қуруқдир,
Сўзинг олмас бир пулга.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Ишдан чиқса аппарат.
Лозим унга қадоқчи.
Илвираган тармоқлар,
Борми уста, ямоқчи?
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам. ёр-ёр.

Хизмат фақат қоғозда,
Ёпиқ эшик ортида.
Шикоятлар аламнок,
Ётар архив қатида.
Телфонхўжам. ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Бола очар қарорлар,
Ёсанг бўлур минг китоб.
Курсипарвар оғажон,
Соғмисан, балки бетоб?
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Бу кун Ватан мустақил,
Мен тутганман қўлини.
Пажмурдаҳол симларнинг
Ким кўтарар белини?
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Иймонга қурт тушганми,
Нечун лоқайд бошлиқ ҳам.
— Энди қайта қурурмиз
Нозирликни, — дер акам.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Дардингиз зўр, оғир дард,
Малҳам бўлур бир дори:
Очиқ танқид — рецепти,
Сиз ҳам унга хумори.
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр.

Ҳақиқатни айтганда,
Дарз кетмасин қалбингиз.
Шўрпешона винтларни
Шоядки янгиларсиз!
Телфонхўжам, ёр-ёр,
Жип-жип жўжам, ёр-ёр!

●

Халқимизнинг машҳур «Ёр-ёр» қўшиғига мослаб тўқилган назм матнини рандалаб, рўзнома туйнигидан ташловчи

Ашур Али АҲМАД ўғли.

Қутлайсиз!

Устозимиз Рўзиқул ДАМИНОВ!

Сиз педагогика соҳасида 40 йил хизмат қилдингиз. Шу йиллар мобайнида минглаб шогирдлар етиштирдингиз. Ўзингизга муносиб шогирдларингиз она-Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг равнақ топиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Биз Сиздек саховатли, қалби дарё инсоннинг шогирдлари эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда 60 йиллик қутлуғ кунингиз билан қутлаймиз. Сизга соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Самарқанд вилояти Пасдарғом ноҳияси халқ таълими бўлими, Н. Нормуродов номли 41-ўрта мактаб жамоаси.

ИЖОДКОРЛИК БАҲОРИ

Мустақиллик баҳорининг биринчи наврўзи олам узра қанот қоқди. Унинг таронаси куй бўлиб, қўшиқ бўлиб дилларга оқди...

Мустақиллик баҳорининг масъулиятини мустақил яшашга қадам қўйганлар теранроқ ҳис қиладилар. Ўзлигини англашга уринаётганлар тушунадилар. Шунинг учун ҳам бу галги сумалагу ҳалимлар, кўкатлар анқиган чучвараю сомсаларда ўзгача ифорлар. Эртанги кун соз бўлишига даъват этувчи бўй ва тотимлар...

Ёшлик завқу шавқи билан омухталашган талабалар шаҳарчасидаги наврўз сайлининг таърифи бетавсифдир. Йиллаб кутилган, қалб қўрию орзумандликларининг нашъунамолари тутилган кун келди, ахир!

2-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи талабалари — бўлажак шифокорлар кенг майдонда баҳор сайлини бошлаб юбордилар. Ҳамишалик бардамлигимизу саломатлигимизнинг йўриқчилари, келажагимиз қўриқчилари — бўлажак шифокорларга баҳор таомларининг инсон ҳаётида қанчалик ўрни муҳимлигию кўтаринки кайфиятнинг узоқ умр кўришдаги ҳиссаси яхши аёндир. Шунинг учун ҳам дастурхон дид билан безатилди. Ёшларнинг севимли санъаткори Соат Шариповнинг қувноқлик улашувчи қўшиқ ва лапарлари эса тантананинг жозибадорлигини янада оширди. Бунга қишки сессиянинг чўзилгани ҳам дахлдор эмас. Шунингдек мукаррама ой — рўзаи рамазоннинг Наврўз билан бошлашиб келгани ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Ётоқхоналарда тайёрланган сумалаклар ҳам ким ўзарга пиширилгани рост. Наврўз дастурхонида биринчи сўзни олийгоҳ ректори Ҳамид Ёқубович Каримов олди: — Бўлажак шифокорлар ибн Синонинг чин ворислари бўлиши керак. Шунинг учун улар ҳар тарафлама шаклланишлари, халқ удум ва анъаналарига ижодий ёндашиб, ижобий кўз билан қарашлари шарт. Ота-боболаримиз ёққан чироқлар ўчмайди, момоларимиз, бувиларимизнинг орзумандликлари ўз рўёбини кўрсатади...

Шундан сўнг талабалар иқтидорларини куч синашда, баҳсу айтишувларда кўз-кўзлай олдилар. Ётоқхона бекалари иштирокида тортилган арқон кучлиларни синаб берди. Миллий кийимлар танлови эса уларнинг дид билан қанчалик безана билишларини кўрсатди. Тортишмачоқлар, келин салому «ёр-ёр»лар, халқ қўшиқларига ҳавасмандлик қадриятларимиз қарор топаётганидан нишона эди. Ғолиблар эсдалик совғалари олдилар. Пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Беихтиёр диллардан шундай фикр кечди: ташаббус бўлса, ташаббусни кенг қулоч ёйдира биладиган Малика Мирзаева, Мавжуда Иброҳимхжўаева, Ғофур Умаров каби мураббийлар бўлса, тепадан чиқарилган қарорларнинг ижроси мукаммал бўлиши аниқ экан. Ёшларни тушунадиган ва дилидагини уларга тушунтира биладиган устозлар бор экан, талабаларнинг изланиш ва интилишлари рўёби учун шарт-шароитлар яратилар экан. Бу ҳолат эса эртанги кунга ишончни улғайтирар, ниятлар софлигини таъминлар экан. Шу кунги «Наврўз» сайли чинакам ижодкорлик байрамини бошлаб келди.

* * *

Янги кунга пешвоз чиққан 1-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи талабалари ҳам Наврўзни ўзларининг шинам ошхоналарида нишонладилар.

Мураббийлар Н. Насриддинова, Х. Хўжамбердиевалар таъкидлаганидек, бу галги баҳор байрами озодлик ола келди, ҳур фикрли инсонлар қалбига илҳом сола келди. Байрам тантаналарида иштирок этган шоиру санъаткорлардан Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Зулфия Мўминова, Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова ва Азим Муллахоновларнинг чиқишлари ҳам бу фикрни исбот этди.

Ва... бу даврада Америкада яшаб, ижод қилаётган юртдошимиз Эргаш Шермат ўғли Булоқбошининг иштирок этиши дилларни ҳаяжонга солди.

— Менга бу даргоҳ жуда азиздир, — деб сўз олди Э. Ш. Булоқбоши. — Сабаби — бу ерда қизим ва куёвим таҳсил олган. Мен ватандан йироқда юрганимда, икки кўзим шу диёрга тикилиб, икки қулоғим шу маконга банду банд этилганда, минг афсуски, қондош, жондошларимга ўзимнинг соғ-омон эканлигимни, уларни ҳамиша кузатиб яшаётганимни айтмоқликдан ожиз эдим. Айтган тақдиримда ҳам, менинг бу «янгилигим» уларга «яхшилик» келтирмас эди. Минг шукр, бўлсинким, янги кун — Наврўз келди. Мен она-юртимда улуғ ишларнинг индаллосида турибман...

Ҳа, эзгу истакларни ижобат айлайман, деб баҳор келди. Ўйлаймизки, бу баҳор, гўзал Наврўз ўз жозибаси, соф нияти билан йил бўйи бизнинг ҳамроҳимиз бўлади.

У. АБДУАЗИМОВА.

БЕБАҲО АСАР ЭКРАНДА

Жумҳурият телевидениеси жаҳон адабиётида яратилган энг нодир асарлардан бири — Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида ишланган видеофильмни намойиш қилиб, кўп сонли телетомошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Ўрта мактабларнинг адабиёт дастурида «Хамса»га кирган достонлар, жумладан «Лайли ва Мажнун» ҳақида тушунча бериш талаб этилади. Достонни ўқиб мазмунини ўрганиш ўқувчиларга анча қийинчилик туғдирарди. Улар энди асардаги воқеани кўриб, «Лайли ва Мажнун» саргузаштлари ҳақида чуқур тасаввур қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Биз асарни адабиёт кабинетида 10-синф ўқувчилари билан бирга кўриб муҳокама қилдик. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, муаллифлар асарни Алишер Навоий талқинидагидек меъёрига етказиб саҳналаштирганлар. Тасвирланган табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси асар мазмунини янада чуқурлаштиришга хизмат қилган. Қисқаси, бу тасвирлар табиий чиққан.

Биз мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси номидан видеофильмни яратган муаллифларга, жумҳурият телевидениеси жамоасига чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

М. ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти Боғот ноҳиясидаги Наримонов номли мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

БИЛИБ ҚЎЙИГАН ЯХШИ

НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Америкадан Европага 40 га яқин ўтлар «кўчиб» келган. Европадан Америкага эса 200 дан ортиқ ўсимлик ўтган, дейишади ботаник олимлар.

●

Хризантема энг қадимги гуллардан ҳисобланади. Қадимий шарқ файласуфларининг икки ярим минг йил илгари ёзган китобларида ҳам хризантема ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

●

Луб толалари мустаҳкамлик жиҳатидан темир билан бемалол тенглаша оларкан. Унинг тортиш кучи эса металлга нисбатан 15 марта кўпдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Т. Н. ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий ўрта таълим мазмуни бўлими мудири;

ўзбек тили ва адабиёти таълимининг мазмуни ва методлари бўлими мудири;

Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш мазмуни ва методлар бўлими мудири;

физика, математика ва ҳисоблаш техникасини ўқитиш мазмуни ва методлари бўлими мудири;

биология ва химияни ўқитиш мазмуни ва методлари бўлими мудири;

бошланғич мактабларда таълим мазмуни ва методлари бўлими мудири;

ўзбек мактабларида рус ва чет тиллари таълимининг мазмуни ва методлари бўлими мудири;

қишлоқ мактаби муаммолари бўлими мудири;

мактабгача ёшдаги болалар тарбияси бўлими мудири;

халқ педагогикаси ва ахлоқ тарбияси бўлими мудири;

мусиқий-бадиий таълим ва тарбия бўлими мудири;

жисмоний тарбия ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўлими мудири;

ўқувчилар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлими мудири.

ТАНЛОВДА ЁШИ 65 ГАЧА БЎЛГАН ФАН ДОКТОРИ ЁКИ ФАН НОМЗОДИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИШИЛАР ҚАТНАШИШИ МУМКИН.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН ҚУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Телефон — 45-66-45.

Бош муҳаррир
А. Қ. ДОЛИМОВ.

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика олийгоҳи ректорати ва бошланғич таълим методикаси кафедраси профессори Р. Икромовага оналари **Марҳамат ВАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ректорати, касаба уюшмаси ва жамоаси институтнинг собиқ математика кабинети мудири **Абдусаттор Донийёрович ҒОФУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 38 -буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12